
ВАТАН ҲИМОЯЧИЛАРИ КУНИДА ФАРҒОНАДА “МОТАМСАРО ОНА” ҲАЙКАЛИ ПОЙИГА ГУЛЛАР ҚЎЙИЛДИ, ҲАРБИЙ БЎЛИНМАЛАР МАРШИ БЎЛИБ ЎТДИ

Вилоятимизда Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари ташкил этилганининг 31 йиллиги ва 14 январь – Ватан ҳимоячилари куни катта кўтаринкилик билан байрам қилинмоқда.

Байрам муносабати билан бугун вилоят ҳокими, ҳарбий-маъмурий сектор раҳбари Хайрулло Бозоров, Шарқий ҳарбий округ қўшинлари қўмондони Лутфулла Бузруков, вилоят секторлари раҳбарлари, вилоят Хавфсизлик ва Мудофаа тизимлари раҳбарлари, шунингдек, давлат, жамоатчилик ва ёшлар ташкилотларининг вакиллари иштирокида "Ватанпарварлар боғи"даги “Мотамсаро она” ҳайкали пойига тантанали гул қўйиш маросими бўлиб ўтди.

Гул қўйиш маросимидан сўнг, ҳарбий бўлинмалар марши бошланди. Шарқий ҳарбий округ десантчилари Ўзбекистон Республикаси давлат байроғи ҳамда Мудофаа вазирлиги байроғини олиб ўтдилар. Улар ортидан Давлат хавфсизлик хизмати, Чегара қўшинлари, Миллий гвардия, ФВВ ҳамда ички ишлар ҳарбий тузилмалари вакиллари ҳам марш юришини амалга оширдилар.

[Бизни ижтимоий тармоқларда кузатинг Facebook, Telegram, Facebook, YouTube, Instagram](#)

2023-01-14 18:11:45